



HIGH ESTEEM FOR WOMEN IN OUR HOLY RELIGION

A. Ahmedov

Trainee Lecturer

Samarkand Regional Branch of the Institute for Advanced Training and Retraining in the Religious and Educational Sphere

E-mail: a.akhmedov@gmail.com

Samarkand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Islam, women, respect, dignity, family, spirituality, morality, Qur'an, Hadith, upbringing, national values.

Received: 25.06.26

Accepted: 26.06.26

Published: 27.06.26

Abstract: This article analyzes the spiritual, moral, and social foundations of the high respect accorded to women in the holy religion of Islam. Drawing upon the Holy Qur'an and the Hadiths, it highlights the role of women in the family and society, their rights and freedoms, dignity, and responsibilities as educators. The study also examines the significance of the Islamic principles of respect and care for women in educating the younger generation in the spirit of national and spiritual values in contemporary society.

МУҚАДДАС ДИНИМИЗДА АЁЛ-ҚИЗЛАРГА БЎЛГАН ЮКСАК ЭҲТИРОМ

A. Ахмедов

Стажёр-ўқитувчи

Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти

Самарқанд минтақавий филиали

a.akhmedov@gmail.com

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ислом дини, аёл-қизлар, эҳтиром, кадр-қиммат, оила, маънавият, ахлоқ, Қуръон, ҳадис, тарбия, миллий кадриятлар.

Аннотация: Ушбу мақолада муқаддас Ислом динида аёл-қизларга бўлган юксак эҳтиромнинг маънавий, ахлоқий ва ижтимоий асослари таҳлил қилинади. Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда аёлнинг жамият ва оиладаги ўрни, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати ҳамда тарбиячи сифатидаги

масъулияти ёритиб берилган. Шунингдек, Ислом таълимотида аёлларга бўлган хурмат ва ғамхўрлик тамойилларининг бугунги кунда ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги аҳамияти очиб берилган.

ВЫСОКОЕ ПОЧИТАНИЕ ЖЕНЩИН В НАШЕЙ СВЯЩЕННОЙ РЕЛИГИИ

А. Ахмедов

Стажёр-преподаватель

Самаркандский региональный филиал Института повышения квалификации и переподготовки кадров в религиозно-просветительской сфере

E-mail: a.akhmedov@gmail.com

Самарканд, Узбекистан

О СТАТЬЕ

<p>Ключевые слова: Ислам, женщины, уважение, достоинство, семья, духовность, нравственность, Коран, хадис, воспитание, национальные ценности.</p>	<p>Аннотация: В данной статье анализируются духовные, нравственные и социальные основы высокого уважения к женщинам в священной религии Ислам. На основе аятов Священного Корана и хадисов раскрываются роль женщины в семье и обществе, её права и свободы, достоинство и ответственность как воспитателя. Также освещается значение принципов уважения и заботы о женщинах в исламском учении для воспитания молодого поколения в духе национальных и духовных ценностей в современных условиях.</p>
--	---

Кириш. Инсон бу дунёда бир неча кунлик меҳмондир. Бу дунёга у на ўз хоҳиши билан келади ва на ўз хоҳиши билан кетади. Мазкур вақт оралиғида ўз хою-ҳавасларига кўра эмас, балки Яратган Аллоҳ таолонинг буйруқларига қулоқ солиб, амал қилиб яшаса, нажот топади.

Исломдан аввалги даврда нафақат Арабистон ярим ороли, балки Ер юзининг бошқа минтақаларида ҳам аёл-қизларга ўта паст назар билан қаралган.

Улар сотилувчи ва харид қилинувчи тижорат ашёси, жамиятда энг паст ижтимоий табақа сифатида кўрилган. Жоҳилият даврида агар киз фарзанд дунёга келадиган бўлса айрим жоҳиллар ҳатто қизларини улғайишини хохламасдан уларни тириклайин кўмишгача журъат қилишган.

Ҳаётнинг барча жабҳаларини қамровчи Ислом дини келгандан кейин аёллар ҳақ-хуқуқларига алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг жамият ҳаётидаги табиий ҳуқуқлари тикланди, эътироф этилди.

Муқаддас динимизда аёлларга бўлган юксак эҳтиром Куръони карим ва ҳадиси шарифларда ўз аксини топган. Айниқса, уларнинг она сифатидаги мавқеига жуда катта ҳурмат кўрсатилган. Хусусан, Куръони каримда аёлларга оид масалалар 300 дан ортиқ оятда зикр қилинади. Бу эса, динимизда аёлларга бўлган эътиборнинг нақадар юксаклигидан далолат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Динимизда аёлларга бўлган муносабат борасида Куръони карим ва ҳадиси шарифларда бир неча бор баён этилган. Бу борада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг китобларида ҳам таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот методологияси. Мақолани ёзишда муқаддас динимизда аёлларга бўлган юксак эҳтиром ўз аксини топган. Айниқса, уларнинг она сифатидаги мавқеига жуда катта ҳурмат кўрсатилганлиги, Куръони каримда аёлларга оид масалалар 300 дан ортиқ оятда зикр қилинганлиги баён этилган.

Ислом таълимотига кўра, эркак ва аёл Аллоҳ таолонинг амрини бажаришда тенг. Аллоҳ таоло “Наҳл” сураси 97-оятда аёлни инсонийлик жиҳатидан эркаклар мартабасида эканини билдириб, шундай марҳамат қилган:

“Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз”[1] (Наҳл 97).

Бу оят шуни кўрсатадики, аёл ҳам эркак каби Аллоҳ наздида тўлақонли шахс бўлиб, унинг амаллари қадрланади. Демак, жамиятда аёлга нисбатан адолат, ҳурмат ва ҳақларини бериш – нафақат ижтимоий бурч, балки имон талаби ҳамдир.

Пайғамбаримизнинг биз умматларга қилган энг катта васиятларидан бири бу – аёлларнинг ҳақларига риоя қилиш, уларга яхши муомалада бўлишдир. Зеро, Аллоҳ таоло инсон зотини мукаррам қилиб яратди ва уларнинг орасида аёл зотини алоҳида эҳтиромга лойиқ қилди. Динимиз аёлни “Она” сифатида оёқлари остига жаннат тўшалган зот, “Рафиқа” сифатида имоннинг ярми, “Қиз” сифатида эса отаси учун дўзахдан парда бўладиган неъматга айлантди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллар ҳам эркаклар каби инсон эканини эълон қилдилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

“Албатта, аёллар эркакларнинг туғишганларидир”[2]. (Имом Термизий ривояти)

Аллох таоло Куръони карим оятларида жоҳилият арабларининг қиз фарзандидан нафратланишини кескин танқид қилган:

“Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг «ёмон»лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир”[3] (“Наҳл” сураси, 58, 59-оятлар).

Ушбу оятлар жоҳилият даври одамларининг нотўғри қарашларини фош қилади. Улар қиз фарзанд туғилганида хурсанд бўлиш ўрнига, ғазабга тўлиб, ҳатто уни тириклай кўмишдек ваҳшийликларга боришган. Аллох таоло бу каби фикр ва амалларни қаттиқ қоралаб, бундай “ҳукм”лар қанчалик разил ва адолатсиз эканини баён қилади. Бу оятлар инсон қадрини жинси билан эмас, балки инсонийлиги ва тақвоси билан ўлчанишини ўргатади.

Афсуски, бундай жоҳилият тушунчаси айрим инсонларда бугун ҳам турли кўринишларда учраб қолмоқда – кимдир қиз фарзандни камситади, кимдир уни оғирлик деб билади. Ҳолбуки, Исломда қиз фарзанд раҳмат ва барака манбаи, катта неъматдир. Уни яхши тарбия қилиш эса жаннатга етакловчи амаллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун мўмин киши бу каби нотўғри қарашлардан йироқ бўлиб, қиз фарзандни қадрлаши ва унга меҳр-шафқат билан муомала қилиши лозим.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар:

“Кимнинг учта қизи бўлса, уларнинг хархашалари, оғирликлари ва енгилликларига сабр қилса, Аллох уларга кўрсатган раҳмати туфайли уни жаннатга киритур”, - дедилар. Бир киши:

“Иккита бўлса-чи, ё Расулаллох?” – деди.

“Иккита бўлса ҳам”, - дедилар. Бир киши:

“Битта бўлса-чи, ё Расулаллох?”- деди.

“Битта бўлса ҳам”, - дедилар.[4] (Имом Аҳмад ривояти).

Демак, қиз фарзандни меҳр билан парвариш қилиш, уни ҳимоя қилиш ва эҳтиёжларини таъминлаш Аллох наздида катта савобли амалдир. Бу эса Исломнинг аёл зотига бўлган юксак эҳтироми ва раҳматини кўрсатади.

Шариатимизда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам қизларни тарбия қилиш, уларга меҳр ва эътибор кўрсатиш қанчалик улуғ савоб эканини баён қилганлар. Ҳар бир

ота-она қизларини имон-этикод асосида яхши тарбия қилса, уларга илм, одоб, ўзларига мос касб ва ҳунар ўргатса, бу амал Қиёмат куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан яқинликка сабаб бўлади. Бу эса энг катта шарафлардан биридир.

Аёлларга яхши муомалада бўлиш, уларга нисбатан хушмуомала, ширинсўз, мулойим муносабатда бўлиш лозим, ноҳақлик ва қўполлик қилмаслик керак. Бу хусусда Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан қуйидаги кўрсатма бор.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

“Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир ва мен аҳлига яхшингизман”[5].

(Имом Термизий ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёл киши қовурғага ўхшайди. Тўғрилсанг, синдириб қўясан. Агар ундан баҳра оладиган бўлсанг, эгрилиги бўйича баҳра оласан», дедилар»[6]. Ушбу ҳадиснинг мазмунини тўғри англаш жуда муҳим. Бу ерда ташбеҳ (ўхшатиш) аёлни камситиш учун эмас, балки унинг табиатини инобатга олмаган ҳолда қўпол тарзда ўзгартиришга уриниш оилавий муносабатларни издан чиқаришини англантиш учун келтирилган. Қовурға суяги анатомик жиҳатдан тўғри эмас, лекин у айнан шу шакли билан инсон танаси учун муҳим вазифани бажаради. Демак, ҳадиснинг асосий ғояси инсонни ўз табиати билан тушуниш, унинг нозик жиҳатларини ҳурмат қилиш ва муносабатда қаттиқлик эмас, мулойимликка таянишдир. Оилавий ҳаётда муаммоларнинг катта қисми бир-бирини ўз ҳолича англамаслик, бир томонлама талаб қўйиш ва мулоқот маданияти етишмаслигидан келиб чиқади. Мазкур ҳадис эса муносабатни ҳукмронлик эмас, ҳамжиҳатлик ва сабр асосида қуриш лозимлигини кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

“Аёллар хусусида Аллоҳдан кўрқингиз. Зеро, сиз уларни Аллоҳнинг омонати билан олгансиз”, деганлар.

Инсоният тарихига назар ташласак, ҳар қандай юксалиш негизида илм-маърифат турганига гувоҳ бўламиз.

Ислом илм динидир. У инсонни илм излаш, билим орқали ҳақиқатни англаш ва яратганнинг ҳикматларини тадқиқ этишга даъват этади. Хусусан, ҳадиси шарифларда “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарз” (Ибн Можа ривояти) экани қатъий таъкидланади. Бу ҳадис таълим олишда жинси борасида фарқ йўқлигини очик билдириб, аёлнинг ҳам таълим олиш ҳуқуқини сўзсиз тан олади ва фарз ўлароқ буюради.

Қуръони каримда ҳам илмнинг қадри ва аҳамияти қайта-қайта таъкидланган:

“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”[7] (Зумар, 9-оят). Бу оятда инсоннинг кадри, нуфузи, мартабаси унинг билими ва маърифати билан белгиланиши кўрсатилган.

Исломда илм фақат диний билимлар билан чекланмайди. У дунёвий фанлар – табиатшунослик, тиббиёт, астрономия, математика, география, иқтисод ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Илм орқали инсон Аллоҳ яратган оламнинг қонун-қоидаларини англайди, унинг гўзаллиги ва мукамаллигидан ибрат олади. Шу маънода ислом илмни дунёвий ёки диний деб ажратмай, уни ягона маърифат манбаи сифатида қадрлайди.

Ислом таълимотида аёлнинг илм олиши нафақат жоиз, балки фарз эканлиги таъкидланган. Бу тамойил ислом тарихида ҳам ўз исботини топган. Исломнинг илмий юксалиш давларида кўплаб аёллар ҳам фаолият кўрсатган. Бундай аёлларга Фотима ал-Фихрия каби машҳур олима ва файласуфларни мисол қилиб келтириш мумкин. Фотима ал-Фихрия Марокашнинг Фас шаҳрида дунёдаги энг қадимий университетлардан бири – Қаровийин университетига асос солган.

Марказий Осиёда эса Фотима Самарқандия XII асрда яшаган, фикҳ ва ҳуқуқшунослик соҳасида етук олима бўлган. У ўз даврида мужтаҳид аёл сифатида тан олинган ҳамда кўплаб уламолар ундан фатво ва илмий маслаҳат олганлар. Мазкур тарихий фактлар аёлларни илм олиши оддий ҳол бўлгани, улар жамиятда ҳам илм йўлида ҳам фаол иштирок этганларини кўрсатади.

Тарихимиздаги буюк алломаларнинг камолотида олима аёлларнинг ўрни беқиёс бўлган. Имом Зухрий Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ҳақларида шундай деганлар:

“Агар Оиша онамизнинг илми барча аёллар илми билан солиштирилса, Оишанинг илмлари устун келарди”.

Мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳо ислом тарихидаги энг билимдон аёл ва илмга ҳисса қўшган кишилардан бири ҳисобланадилар. У зот Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан 2210 та ҳадис ривоят қилиб, энг кўп ҳадис билувчи олти саҳобанинг бирига айландилар. У зотнинг илми нафақат диний ҳукмларни, балки тиббиёт, араб адабиёти ва мерос илмини ҳам қамраб олган бўлиб, бу маънавий мерос ислом ҳуқуқшунослиги ва ахлоқ тизимининг шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Оиша онамизнинг жамиятга энг катта фойдаси – аёллар учун илк таълим мактабини яратиб, юзлаб шогирдлар етиштирганларидир. Энг мураккаб шаръий масалаларда улуг саҳобаларга устозлик қилганлар.

Тарихда кўпроқ Бибихоним номи билан шуҳрат қозонган Сароймулкхонимни эсланг. Бобомиз Амир Темурнинг суюкли аёли бўлган бу олима аёл ўз даврининг юксак маданияти

ва илм-фани ҳомийси сифатида танилган. У нафақат давлат бошқарувида соҳибқироннинг энг ишончли маслаҳатчиси, балки темурий шаҳзодалар, хусусан, бўлажак буюк маърифат етакчиси Мирзо Улуғбекнинг илк тарбиячиси ва устози бўлган. Шунингдек, Бибихоним Самарқандда ўз даврининг энг машҳур олий ўқув юрти ҳисобланган муҳташам мадрасани барпо эттириб, илм аҳли учун кенг шароитлар яратган.

Ислом тарихида илмли ва оқила аёлларни ва уларнинг жамият учун келтирган илмий фойдаларини минглаб келтириш мумкин. Муҳими аёлларга эътибор, айниқса, оналарга эҳтиром масаласини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бу борада охирзамон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом бутун умматга, барча инсониятга ибрат ва намуна бўлганлар. У зотнинг ота-оналари илоҳий ирода туфайли дунёдан эрта ўтиб кетишса-да, Пайғамбаримиз ўзларига сут берган оналари Ҳалимаи Саъдияга бир умр эҳтиром кўрсатганлар, қачон бу аёл Расулulloҳ алайҳиссалом ҳузурларига келсалар, устларидаги тўнларини ечиб, унга ўтқазганлар, ҳурматларини жойига қўйганлар, кейинчалик ҳам ҳолларидан хабар олиб, хадялар юбориб турганлар.

Шунинг учун ҳам Расули акрам умматни ҳамиша ота-онага яхшилик қилишга чақириб, ота-онасининг ҳурматини жойига қўйиб эъзозламаган, уларни рози қилолмаган фарзандни жуда оғир оқибат кутиши ҳақида огоҳлантириб ўтганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир. Роббнинг норозилиги ота-онанинг норозилигидадир», - дедилар».

(Имом Термизий ривояти).

Шунинг учун Аллоҳ таолони рози қиламан, деган киши ота-онасини Аллоҳ таоло чизган чегарада рози қилишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Халқимизда «Ота рози-Худо рози» деган гап бор. Худди шу халқ сўзи биз ўрганаётган ҳадиснинг таржимасидир. Роббнинг розилиги волид - ота-онанинг

розилигидадир. Робб, яъни Аллоҳ таолонинг норозилиги - ота-онанинг норозилигидадир.

Демак, ким Аллоҳ таолони рози этаман, деган бўлса, ота-онани рози қилишга, ким Аллоҳ таоло мендан норози бўлмасин, деса, ота-онасини норози қилмасликка тиришмоғи, ҳаракат қилмоғи керак экан[8].

Оналарамизни ҳурмат қилиш билан бир қаторда қизларимизни буюк аجدодларига муносиб бўладиган қилиб тарбиялаш, илм ва касб эгаллашга шароит яратиб бериш,

саломатликларини таъминлаш масалаларини унутмаслигимиз керак. Зеро, киз бола ўқимишли бўлса, оила мустаҳкам, фарзандлар тарбияли, жамият эса маърифатли бўлади.

Тарихга назар соладиган бўлсак, ўтган асрларда юртимизда қизлар таълими иккинчи даражали масала бўлмаган. Зеро, ўтмишда зиёли оилалар қиз фарзанднинг ҳам диний, ҳам адабий, ҳам тил ва маънавий фанларни чуқур эгаллашига алоҳида аҳамият берган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бугун айрим ота-оналарнинг қиз болани ўқитишга лоқайд муносабатда бўлиши ёки уни “кераксиз одат” деб баҳолаши на тарихий асос, на маънавий мантиққа эга. Илмли аёл – илмли оила, илмли оила эса барқарор жамият пойдевори экани ўтмиш тажрибаси билан аллақачон исботланган. Демак, қизлар таълимига бепарволик эмас, балки масъулият ва онгли ёндашув зарур.

Хулоса. Динимизда хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин ҳалол касб изидан мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи бор. Ислом тарихида аёлларнинг ишлаши, савдо, тиббиёт ва ижтимоий соҳаларда фаолият юритиши оддий ҳол бўлган. Хусусан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рафиқалари Хадича онамиз Макка шаҳридаги йирик тадбиркорлардан бири бўлганлар. Ўз карвонларига ишчиларни ёллаб, мустақил молиявий фаолият олиб борганлар. Бу ҳолатнинг ўзи исломнинг дастлабки босқичларида аёлнинг меҳнат фаолияти ва иқтисодий эркинлиги тан олинганлигини кўрсатади. Бундай мисоллардан, Руфайда ал-Асламийя яъни, ислом тарихида биринчи мусулмон ҳамшира сифатида танилган саҳобияни келтириш мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у аёлни жанг майдонида ярадорларга ёрдам бергани учун мақтаганлар. Шифо бинт Абдуллоҳ эса саводли бўлиб ёзув ва ҳисоб илмини билган аёл бўлган. Ҳатто, маълум вақт Мадина шаҳри бозорининг барча ҳисоб-китоб ва назорат ишларига расман раҳбар ҳам бўлган. Шунингдек, Умму Синам ал-Асадийя, Умму Сулайм, Зайнаб бинти Жаҳш қўл меҳнати, тўқимачилик ва атторлик каби фаолиятлар билан шуғулланганлар.

Бу ўринда мамлакатимизда қизлар ва аёллар учун яратилаётган имкониятларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан магистратурада таҳсил оладиган ҳар бир қизнинг контракт пули давлат томонидан тўлаб берилмоқда.

Бу – бир мисол. Қизларимизнинг фойдали касби-кор, юксак илму салоҳиятга эга бўлиши борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг натижасини аёл-қизларимиз эришаётган ютуқлардан англаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Т.: “Tafsir-books”. 2024 й. 278-бет.

2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”. – Т.: “Sharq” 2011. 303-бет.
3. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Т.: “Tafsir-books”. 2024 й. 273-бет.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”. – Т.: “Sharq” 2011. 307-бет.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”. – Т.: “Sharq” 2011. 235-бет.
6. Олтин Силсила: Саҳихул Бухорий, 6-жуз. – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2020. 614-бет.
7. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Т.: “Tafsir-books”. 2024 й. 459-бет.
8. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”. – Т.: “Sharq” 2011. 371-бет.